

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№МО 3-13  
2017 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2017 йил 14 "абрий" даги  
2017 - соили бўйрги билан  
тасдиқланган

“Филология ва тилларни ўқитиш”  
(немис тили)

йўналини бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ  
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2017 йил 18. 08 даги 4 -сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив хуқукий асослари”  
модули: с.ф.д., проф., И.Эргапев, ю.ф.н., доц.,  
В.Топиздиев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик  
маҳорат” модули: п.ф.д., проф., Н.А.Муслимов, п.ф.н.,  
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доц., М.Усманбаева,  
Л.Исянова.

“Таълим жараённида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц.,  
Х.Холмедов, ф-м.ф.н., доц., Д.Иргашева, кат. ўқит.,  
В.Хамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат.  
ўқит., У.Гиясова.

“Тизимли таҳлил ва карор қабул қилиш асослари”  
модули: с.ф.д., проф., С.Жўраев, ф.ф.д., проф.  
Р.Самаров, п.с.ф.н., Х.М.Алимов.

Маҳсус фанлар бўйича: Хорижий эксперт: Седрик  
Райчел (Люксембург).

Ишчи гурӯҳ: пед.ф.д., проф. Л. Ахмедова, Г.Махкамова,  
ф.ф.н., доцент Ю.Исмоилов, Д.Исматиллаева,  
Р.Бегматова.

Тақризчилар: Хорижий эксперт: Семон Кречмер (Германия).  
Э.Эркаев – ТДПУ доценти, пед.ф.н.

Ўқув дастури ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий – методик  
кенгашида тасдиқланган (2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли баённома).

**Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сонли карорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан холда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни максад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва карор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоги, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида бериладиган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбик этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил килиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь карорлар қабул қилиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан холда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

## I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг конунчилик нормалари.

## II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Хорижий тилларни ўқитишида инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

## III. Таълим жараённада ахборот-коммуникацион технологияларни кўллаш

3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

3.2. Хорижий тилларни ўқитишида ахборот-коммуникация технологиялари.

## IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари.

## V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул килиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул килиш технологиялари.

5.2. Хорижий тилларни ўқитишида тизимли ва стилистик таҳлилларни кўллаш.

## VI. Махсус фанлар

6.1. Хорижий тилларни умумевропа стандартлари талаблари асосида ўқитишининг лингвистик аспектлари.

6.2. Немис тилини ўқитиш методикаси-ёндашув ва педагогик технологиялар.

6.3. Ўқув жараёнини режалаштириш, баҳолаш методлари ва фидбек механизmlари (кайта алоқа).

## VII. Педагогик амалиёт

## VIII. Малакавий аттестация

### Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига куйидагилар киради:

- «Филология ва тилларни ўқитиши» (немис тили) йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос холда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур булган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- «Филология ва тилларни ўқитиши» (немис тили) йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул килиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### Тингловчи:

- тилларнинг умумевропа стандартлари талабларини;
- чет тилини ўқитишининг назарий асосларини;
- тилнинг коммуникатив ёндашув асосларини;
- дарсни режалаштиришни;
- таълимни турили нутқ кўникмаларини ривожлантиришга йўналтиришни;
- чет тили таълимида баҳолаш ва унинг мезон ва меъёrlарини;
- чет тили таълимида баҳолаш турларини;
- чет тили таълимида CEFR тамоилиларининг ўрнини;
- баҳолашда лингвистик ва маданиятлараро компетенцияларни хисобга олиш тамоилиларини;
- чет тили таълимида баҳолаш мезонларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- ўз касбий фаолияти соҳасида олий таълимнинг баҳолашга оид меъёрий-хукукий хужжатлари асосида иш юритиш;
- анъанавий баҳолаш ва CEFRга асосланган тил компетенцияларини баҳолаш тизими ўртасидаги фарқларни аниқлай олиш;
- баҳолашга қаратилган назорат ишларини ишлаб чиқишига оид муаммоларни таҳлил қилиш;
- баҳолашга оид меъёрий-хукукий хужжатларни амалиётда кўллаш *кўнишмаларига* эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- тил ва нутқ материалларини танлаш тамоиллари, аутентик манбалар билан ишлаш;
- дарсларнинг технологик мажмуаси (универсал модель, технологик карта, иловалар)ни яратиш;
- тил ўқитиш методикаси бўйича тўплланган маълумотларни амалда кўллай олиш;
- таълим олувчиларнинг билиш кобилиятларини баҳолай олиш;
- ўкув жараёнини режалаштириш, баҳолаш, фидбек механизмларини амалга ошириш;
- мустакил таълим турлари бўйича вазифа бериш;
- талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашга қаратилган портфолиосини ишлаб чиқиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- баҳолашга оид таълимнинг меъёрий-хукукий хужжатларини кўллашда ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш;
- баҳолашга оид меъёрий-хукукий хужжатлар асосида ўкув жараёнини ташкил этиш;
- баҳолашга оид меъёрий-хукукий хужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошкариш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва тажриба алмашиш;
- таълим жараёнда тадқиқот усулларидан фойдаланиш;
- талабалар билимини баҳолашга қаратилган турли назорат ишларига хуносалар бериш;
- чет тили таълимида баҳолашга оид карорлар кабул килиш *компетенцияларига* эга бўлиши зарур.

**Курс хажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўкув юкламаси хафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидағи малака аттестати берилади.

**“Филология ва тилларни ўқитиш” (немис тили) ўналиши бўйича  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув модуллари ва  
уларнинг мазмуни**

**I. Олий таълимнинг норматив хукукий асослари****1.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.**

Мустакил демократик тараққиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янтича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом этириш тўғрисида, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурининг мазмун моҳияти. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг”. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Таъкидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор ўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироқи. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

**1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.**

Норматив-хукукий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хукукий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий ўналишлари.

Коррупцияга карши курашнинг конуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий тизими тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизими тўғрисида”ги ПФ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чикиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга кабул килиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳакида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартағи “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳакида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга кўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларida талабалар билимини назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битиравчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларida мустакил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳакида”ги 136-сонли бўйруғи, 2017 йил 1 мартағи «Янги ўкув услугий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услугий курсатмани тавсия этиш тўғрисида”ги 107-сонли бўйруғи, 2017 йил 13 мартағи «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида”ги 138-сонли бўйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида”ги 123-сонли бўйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли бўйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли бўйруғи.

## II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларida ўкув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахса йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаолигини ошириш ва мустакил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўкув-тарбия жараёнда фойдаланиш. Ўкув лойиҳаларини ишлаб чикиш ва амалиётга татбик этиш.

Педагог касбий компетентларининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлари мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлари, педагогик жараёнда мулокот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахсларро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал

етиш йўлари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий таомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик жодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва мохияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

## 2.2. Хорижий тилларни ўқитиша инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар.

Хорижий тил бўйича ўкув жараёнини ташкил этишда инновацион технологиялар ва унинг сифатини таъминлаш борасида илгор хорижий тажрибалар, турли ёндашувлар. Хорижий тилни ўқитиши бўйича инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошк. Хорижий тил таълимида тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-хорижий тил таълимида натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Хорижий тил бўйича талабалар билимини баҳолашнинг ассисмент технологиялари.

## III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш

### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнииг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўкув- методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошк.) ва улардан фойдаланган холда мультимедиали электрон ўкув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоклари. Интернет технологиялари характеристикиаси. Интернет тармогининг асосий хизматлари ва унда мулокот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган холда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойихалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошкарниш тизимида ўкув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

## 3.2. Хорижий тилларни ўқитиша ахборот-коммуникация технологиялари.

АТ ва платформалар, аппарат ва дастурий воситалар. Компьютер ёрдамида тил ўрганиш (CALL). НК ва планшетлар, жумладан Windows ва Android орасидаги фарқ ва хусусиятлар. Тармоклар ҳакида умумий тушунча ва интернетга уланиш масаласи. Мультимедия компонентларини смартфонлар ёрдамида яратиш ва таҳрирлаш (Расм, видео, аудио) Мультимедия компонентларидан PowerPoint ва унинг iSpring кўшма-модули ёрдамида интерактив flash-дарслик яратиш.

Исталган смарт-курилмага зарурий app'лар ва улардан фойдаланиш, Any.do, Evernote, Journey, ES File explorer, MoonReader, Google Translate, Google Maps, ShareIt, SwiftKey, GoldenDict программаларини таҳлили килиш

Google ёрдамида маълумот кидириш илгор услуби, Google Translate, Google Scholars, ESLbasics, Many Things, and BBC Learning English каби сервичлардан фойдаланиш.

Google Drive'dа файллар саклаш: Google Docs/Sheets/Slides'dа ҳамкорликда хужжатлар ва тақдимотларни ишлаб чикиш; Google Forms оркали сўровномалар ишлаб чикиш ва ташкил этиш; Google Hangouts ёрдамида видеоконференциялар ташкил этиш; Google+ оркали виртуал мулокот муҳитини ташкил этиш.

## IV. Амалий хорижий тил

### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усууллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Евropa стандарти ва унинг талкини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўнникмаларни шакллантириш усууллари. Тилни ўрганишда муваффакиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулокот муҳити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўнникмалари даражасини баҳолаш ва бошк. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигига). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўкув- аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишининг аҳамияти. Маданиятлараро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи ҳалқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳакида чет тилица гапира олиш).

Мулокот мавзуулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳакида маълумот, бўш вактни ўтказиш ва хоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзуулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўкув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### V. Тизимли таҳдид ва қарор қабул ишланинг ахлати

## **5.1. Олий таълим жарабини бошқаришда тизимли таҳлил ва карорлар кабул килиш технологиялари**

Тизимли тахлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг максади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли тахлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилини амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий боскичлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари.

Карор түшүнчеси ва унинг асосий вазифалари. Карор турлари ва уни кабул килиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий тадаббар

Қарор варианларини тайёрлаш технологияси. Қарор кабул килиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни кабул килиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараённи бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Кабул килинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор кабул килиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

## 5.2. Хорижий тилларни ўқитиша тизимли ва стилистик таҳлилларни күллаш.

Хорижий тилларни ўқитиша тизимли ва стилистик таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Хорижий тилларни ўқитиша стилистик тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Хорижий тилларни ўқитиша тизимли ва стилистик таҳлиллар методологияси. Хорижий тилларни ўқитиша тизимли ва стилистик таҳлилларнинг йўналишлари. Хорижий тилларни ўқитиша тизимли ва стилистик таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш боскичлари. Хорижий тилларни ўқитиша стилистик ва тизимли услугуб ва тизимли ёндашув. Хорижий тилларни ўқитиша аналитик тадқиқотлар асосида тизимли ва стилистик таҳлилларни ташкил этиш. Хорижий тилларни ўқитиша аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул килиш. Хорижий тилларни ўқитиша тизимли ва стилистик таҳлилда микдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул килиш усуллари. Хорижий тилларни ўқитиша талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли ва стилистик таҳлили. Стилистик бўёқ ва фигуранларнинг стилистик таҳлилдаги ўрни. Стилистик таҳлил тизимли таҳлилнинг муҳим таркибий кисми сифатида.

## VI. Махсус фанлар

6.1. Хорижий тилларның умумевропа стандартлари асосида ўқитишининг лингвистик аспектлари.

СЕРФда хорижий тилларни эгаллашда лингвистик аспектларнинг аксессуарлары. Умумий ва лингвистик компетенциялар. Тилиннан

социолингвистик дифференцияси. Социолингвистик компетенциялар ва уларнинг хусусиятлари.

Маданиятлараро коммуникация. Лингвомаданиятшунослик. Гендерлингвистика. Хорижий тилларни үрганишда мамлакатшунослик ва ўлкашуносликка оид, билимларнинг аҳамияти. Хорижий тилларни эгаллашнинг когнитив жиҳатлари. Лексик, фразеологик ва лексикографик билимларнинг когнитивлик ва коммуникатив функцияси. Тил эгаллаш даражаларида лингвистик жиҳатларнинг акс этиш холатлари.

Фонетика ва грамматик билимларнинг корректив функцияси. Тил эгаллашнинг коммуникатив хусусиятлари. Коммуникациянинг кундалик, ижтимоий, касбий хаётда акс этиш холатлари. Прагматик компетенциялар. Матн ва матн турларининг прагматик жиҳатлари. Адабий матнлар ва уларнинг хусусиятлари. Хорижий тилларни ўрганишнинг ментал жиҳатлари. Стереотип ва клишееларнинг тилда акс этиш холатлари. Менталитетнинг коммуникатив самараға эришишдаги ахамияти. Хорижий тилларни ўқитиша контрастив лингвистика ва таржиманинг ўрни. Контрастивлукнинг социолингвистик ва лингвистик ахамияти. Чет тилларни фан ва ишлаб чиқаришга таянган ҳолда ўрганишнинг хусусиятлари. Атамашунослик.

**6.2. Немис тилини ўқитиш методикаси-ёндашув ва педагогик технологиялар.**

Чет тили ўқитишининг методологик асослари. Чет тили ўқитишининг инновацион методлари. Чет тили таълимида ўқитувчининг модераторлик ўрни. Аутентик материалларни танлаш, улардан тил кўнгималарини ривожлантиришда фойдаланиш. Тингловчиларни мустакил ишлаш ва хатоларни бартараф этиш кўнгималарини ривожлантириш. Маданиятлараро компетенцияларга ургу бериш.

Немис тилини ўқитишда анъанавий ва замонавий ёндашувлар. Оғзаки ва ёзма нутқ кўниммаларини ривожлантиришда турли ёндашувлар (реал жараён, гап ва матн, назоратли ёзув ва эркин ёзув). Ўқиш кўниммалари технологиялари ва стратегияларини ривожлантириш. Тинглаб тушуниш кўниммаларини ривожлантириш муамоларни хал этиш йўллари. Интеграллашган тил кўниммалари (PBL, CLIL, CBL, TBL). Тил ўқитишида коммуникатив ёндашув. Аутентик материал. Хатоларни тузатишдаги турли метод ва ёндашувлар. Грамматикани контекстда ўқитишда турли ёндашувлар. Маданиятларро мулокот компетенцияларини ривожлантириш (катта "M" ва кичик "m").

**6.3. Үкүв жараёнини режалаштириш, баҳолаш методлари ва фидбек механизмлари (кайта алоқа).**

Дарсни режалаштириш тушунчаси. Ўкув ресурсларини танлаш. Ўкув материалларини лойиҳалаш ва янгиларини яратиш. Синф менежменти. Баҳолаш тушунчаси. Таълим тизимида баҳолашнинг аҳамияти. Таалабалар билимини баҳолаш мақсад ва вазифалари. Баҳолаш тизими тарихи. Баҳолаш мезонлари. Баҳолаш принциплари. Баҳолашда субъективизм фактори.

Назорат ишлари турлари ва уларни ишлаб чикиш муаммолари. Лингвистик ва маданиятларо компетенцияларни баҳолаш. Чет тили таълимидаги билим, кўнишка, малакаларни баҳолаш. Нутк коммуникацияси элементлари. Социолингвистик элементлар. Прагматик элементлар.

Баҳолашнинг асосий турлари. Мавзуга оид олимлар фикрлари таҳлили. Портфолио тузиш. CEFR тизими бўйича баҳолаш. Тестларни ишлаб чикиш принциплари.

Ўкув адабиётларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш. Ўкув максадлари ва кутилаётган натижаларни тўғри белгилай олиш. Баҳолаш. Фикр-мулоҳазага асосланган баҳолаш механизмини ташкил этиш.

## VII. Педагогик амалиёт

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама килиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган холда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт кайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлик вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган холда ўтказилади. Бундан ташкири, мустакил холда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### Мустакил таълимни ташкид этишининг шакли ва мазмуни.

Мустакил таълимни ташкид этиши ўкув модули бўйича ишлаб чикилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талблари доирасида хар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўкув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўкув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий кисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;
- мавзулар бўйича тақдимотлар;
- бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, гlosсарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўкув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия килинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа таракқиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиши;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан хамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустакил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўкув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### Дастурниң ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитини жараёнида ишлаб чикилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва когоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

### Адабиётлар

#### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон хаёт пировард максадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнаки учун хар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011. -440 б.
5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш – энг олий саодатdir. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

#### II. Норматив-хукукий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ килиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чикиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Карори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Узлуксиз таълим тизимини дарслерлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Карори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Карори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий ўкув юртлари талабаларига стипендиялар тұлаши тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Карори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 мартағи “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга кабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июнданги 118-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 юнудаги 4232-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 юнудаги 4456-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий ўкув юритидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим

- стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон карорига ўзгартирин ва кўшимчалар киритиш хакида”ги 3-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 2 мартағи “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

### III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Исмаилов А.А. Жалолов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўкув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
4. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебъод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулокоти, – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
7. Brinitzer, Michaela/ DaF unterrichten/ Ernst Klett Sprachen GmbH/ Stuttgart 2013.
8. Catlin R. Tucker. Blended Learning. Corvin. USA, 2012.
9. Common European framework of reference for languages: Learning, teaching, assessment. – Cambridge University Press. 2001.
10. Gary Motteram. Innovations in learning technologies for English languages teaching. British Council 2013 Brand and Design/C60710 Spring Gardens. London SW1A 2BN, UK. London, 2013.
11. Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen für Sprachen: lernen, lehren, beurteilen. Berlin/ Munchen: Langenscheidt (Hg.) 2001
12. Glaboniat, Manuela, Martin Müller, Paul Rusch, Helen Schmitz und Lukas Wertenschlag \* 2005 Profile Deutsch. Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen. goethe.de/integration.
13. Grotjahn, Rüdiger 2007 Testen und Prüfen: Aktuelle Tendenzen.Neue Beiträge zur Germanistik

14. Jan Bell, Roger Gower. Expert Advanced with my Lab pack (Student's Course book, CD, Resource book, Teachers book). UK: Pearson Longman Великобритания (United Kingdom), 2014.
15. Krumm Hans-Jürgen. Deutsch als Fremd- und Zweitsprache. -De Gruyter Mouton, 2010.
16. Michael Simonson, Sharon E. Smaldino, Michael Albright. Susan Svacek. Teaching and Learning at a Distance: Foundation of Distance Education. – Pearson; 5 edition. 2011.
17. Patrick J. Schloss, Kristina M. Cragg. Organization and Administration in Higher Education 1st Edition. Routledge. Великобритания (United Kingdom), 2012.
18. Stanley Kubrick. A narrative and stylistic analysis. AN imprint of Greenwood Publishing Group, Inc. Великобритания (United Kingdom), 2001.
19. Stephen M. Alessi, Stanley R. Trollip. Multimedia for Learning: Methods and Development (3rd Edition). Pearson; 3 edition (November 19, 2000). 580 pages, 2011.
20. Susan Kaufmann (Herausgeber). Fortbildung fur Kursleitende Deutsch als Zweitsprache: Deutsch als Fremdsprache/Band 3-Unterrichtsplanung und – durchfuhrung. Taschenbuch, 2008.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувафиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. Тошкент ахборот технологиялари университети: [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
7. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI:
8. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

#### “ИШЛАВ ЧИКИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлани ва уларнинг маълакасини оширишин ташкил этиш бош илмий-методик маркази

Директор

У.Ш.Бегимкулов



201\_\_ й.

М.ў

#### “КЕЛИШИЛГАН”:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Янги дастурлар ва ўкув адабиётларининг жорий килинининизни изорат килиш бош бошкармаси

Бошкарма бошлари

О.Ш.Исмоилов

“ ” 201\_\_ й.  
М.ў

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университети  
Ректор

А. Рахимов



201\_\_ й.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети  
хузуридаги чет тилларни сунтишини  
инновацияний маданийтарлигини  
ривожлантириш республика ишони  
амалий маркази

Директор-проректор

У.Б.Азизов

“ ”  
М.ў